

## «XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА ХИВА ХОНЛИГИДА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР»

*Гулистан давлат университети*

*Психология ва ижтимоий фанлар факультети*

*Тарих йўналиши талабаси*

*Очилов Искандар*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хива хонлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги сиёсий жараёнлари акс этган бўлиб, ҳар бир жараённинг сабаб ва оқибатлари ҳам ёритиб берилган. Ички ва ташқи сиёсий жараёнлар бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Хива хонлиги, ички сиёсат, ташқи сиёсат, Бухоро амирилиги, хон, Россия империяси.

### **КИРИШ**

XIX асрнинг 50-йилларида Хива хонлигига ички сиёсий вазият кескинлиги билан давом этди. Айниқса, Рахимқули ҳукмронлиги йилларида Хива-бухоро муносабатларининг доимий кескинлиги ва ҳарбий ҳаракатларнинг тез-тез амалга ошириб турилиши натижасида Рахимқул вафот этганига қадар Хиваликлар Бухоро ерларига, бухороликлар эса хиваликлар ерларига қайта – қайта ҳарбий босқиничиликлар қиласидар. Хиваликлар туркманлар билан ўзоқ курашиб боргандан сўнг 1855 йилда Марвни яна эгаллашга мувофиқ бўлади. Муҳаммад Амин ҳукмронлиги даврида ҳам Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги зидиятлар давом этиб турди. Ҳар икки давлат ўз манфаатлари учун туркманлардан фойдаланишга ҳаракат қиласидар. Жанубий Туркманистон ва Хурросонда тинчлик ҳукм сурмай, хонга қарши исёnlар давом этди. Айниқса, Марв ва Серахс шаҳарларида кўтарилилган қўзғолонлар ҳокимиятни ларзага келтириди. Қўзғолончилар Хива хонига бўйсунишдан бош тортиб, хон амалдорлари ва солиқ йиғувчиларни тутиб қатл қиласидар.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Муҳаммад Амин хон 1845 – 1855 йиллар Хурросон ва Марвга 10 мартадан кўпроқ қўшин тортиб боради, бу юришлар вақтида хонлик иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўрди. 1855 йил Серахс остонасида туркманлар билан Хива лашкарлари ўртасида бўлган жангда Хива қўшинлари мағлубиятга учраб, Муҳаммад Аминхон, унинг ўн тўрт нафар шаҳзодалари ва сарой амалдорлари фожеали ҳалок бўлдилар. 1855 йил Сайд Абдуллахон (беш ярим ой – 1855 йил 20 март – 27 август) Хива таҳтига ўтириди. Аммо, бир гурух сарой амалдорлари Сайд Абдуллахонни тан олмасдан унга қарши фитна уюштириб, ёвмут

туркманлари билан алоқа ўрнатдилар ҳамда уларни исёнга чорладилар. Ёвмутлар исён күтариб Ғозовот ва Илонли атрофларида қишлоқларни талай бошладилар. Сайд Абдулахон 1044 Хивадаги фитначиларни фош қилиб, унинг иштироқчиларини қатл эттиргач, исёнчиларга қарши кураш бошлади. Даставвал, Хива қўшинлари билан бўлган жангда ёвмутлар мағлубиятга учраб дашт ичкарисига чекинган бўлсалар-да, августнинг охирида ёвмутлар Хива навкарлари қароргоҳига (Илонли яқинида) тўсатдан тунда ҳужум қилдилар. Сайд Абдулахон туркманлар билан бўлган жангда ўлдирилади.

Бу воқеадан кейин саройдаги вазир Мухаммад Ёқуб меҳтар бошчилигидаги бир гуруҳ амалдорлар Сайд Абдулахоннинг ўн етти яшар укаси Кутлуғ Муродни хон қилиб кўтардилар, Ёқуб меҳтар ва Иброҳим қўшбеги давлат бошқарувида хоннинг энг яқин кишилари эдилар. Бу орада хонликдаги сиёсий вазият яна кескинлашиб кетди. Кутлуғ Муродхонга бўйсунмаган туркманлар-нинг ёвмут қабилалари ўзларига Ота Муродни, қозоқлар ва қорақалпоқлар эса Жорлиқ тўрани хон этиб кўтарадилар. Тўрт ярим ой тахтда ўтирган Кутлуғ Муродхон ўз укаси Ниёзбек Мухаммад томонидан ҳийла ишлатилиб уюштирилган фитна (ёвмут туркманлари ёрдамида) натижасида ўлдирилди. Туркманлар Хивани эгаллаб Кутлуғмуродхонни ўлдирадилар. Сиёсий вазият янада кескинлашган бир вақтда тахтни Сайд Мухаммад эгалайди. У сиёсий вазиятни қўлга олиш мақсадида кескин ҳарбий чораларни кўришга харакат қиласи ва оқибатда туркманларга қарши юришларни амалга оширади.

1859 йилда Оролбўйи қабилалари Хивага қарши қўзғолон кўтарадилар. Туркманларнинг қўллаб қувватлашига эришган Мухаммад Паноҳ Орол бўйини Россия тобелигига топшириш режасини тузади ва Оренбург генерал губернаторига мактуб жўнатади. Бироқ, Хива хонининг Кўнғиротга катта қўшин билан келиши ва уни эгаллаши бу режани барбод қилди ва бу ҳудудлар Хива хонлиги таркибида қолди.

Сайд Мухаммадхон 1864 йил 10 сентябрда касалланиб вафот этгач тахтга унинг ўғли Сайд Мухаммадхон Раҳимхон II (1864-1910 йй.) ўтириди. Соңий ва Феруз номлари билан ҳам маълум бўлган бу ҳукмдор Хива хонлари орасида энг адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлганлиги боис ҳам 47 йил давомида мамлакатни идора қилган. Сайд Мухаммад Раҳим II нинг ҳукмронлиги даврида давлат сиёсий жиҳатдан бирмунча барқарорликка эришиди . Унинг замондошлари бўлган Огаҳий ва Баёнийлар асарларида Сайд Мухаммадхон Раҳимхон II (Феруз) фаолиятида адолатпарварлик ва ҳақгўйлик, қаттиққўллик ва талабчанлик билан, маърифатпарварлик эса ташаббускорлик билан уйғунлашиб кетганлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Бу хон ўзининг бутун ҳукмронлиги даврида эл-юрт фаровонлиги, тинчлик-осийишталиги учун курашди.

## НАТИЖАЛАР

Хонликда дәхқончилик, сугориш ишлари, савдо-сотик ва ҳунармандчилик тараққий этди. Бу даврда Хоразмда айниқса илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчилик юксалди. Хоннинг ўзи “Феруз” тахаллуси билан ижод қилиб ўзбек мумтоз адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди . Феруз саройига шоир, тарихнавис, олиму фузало, таржимону хаттот, табибу созанда ва шунга ўхшаш замонасининг маданият арбобларини атрофига тўплади. Феруз фанмаданият ривожига катта аҳамият берди. У ўз атрофига шоиру созандаларни тўплаб ҳар ҳафтада ғазалхонлик, шеърхонлик кечалари ташкил қилган. Бу ҳақда Баёний бундай ёзган: “Хон ҳазратлари ҳафтада икки қун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузиб, китобхонлик этдуур эрдилар” .

Замонавий Хоразм тарихчилари Сайд Муҳаммадхон Раҳимхон II ҳукмронлигини икки босқичга ажратадилар. Биринчи босқич – 1864 – 1873 йиллар, хон ҳукмронлигининг дастлабки ўн йиллиги бўлиб, бу даврда Муҳаммадхон Раҳимхон II давлатни мустақил бошқариб, мамлакатда тинчлик ва фаровонликни қарор топтириш, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик ва ҳунармандчилик, фан ва маданиятни юксалтириш йўлида улкан ишларни амалга ошириди. Иккинчи босқич – 1873 йил августдан 1910 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. 1873 йилда Хива генерал Кауфман бошчилигидаги рус кўшинлари томонидан босиб олингач, тузилган сулҳга биноан Хива хонлиги Россияга қарам давлатга айланди. Бу даврда Муҳаммадхон Раҳимхон II нинг фаолияти Россия ҳукумати томонидан қатъий чекланди ва назорат остига олинди. Шунга қарамасдан хон ўзинингadolatparvarlik ва bunyodkorlik фаолиятини давом эттириди.

Муҳаммад Раҳимхон II ҳукмронлиги йилларига келиб Россия империясининг Хива хонлигига нисбатан муносабати ҳарбий тус олди ва 1873 йил хонлик чор қўшинлари томонидан мағлубиятга учратилиб, Гандимиён қишлоғида тузилган сулҳга кўра сиёсий қарам давлатга айлантирилди. Муҳаммадхон Раҳимхон II вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Сайд Исфандиёр (1910-1918 й.) ўтириди. Исфандиёрхон хонлик даврини янгиликлардан бошлиди. Унинг фармони билан хонлик аҳолиси қадимдан тўлаб келаётган солиқларнинг бир неча тури қисқартирилди. Генерал-майор унвонига эга бўлган Исфандиёрхон ҳам отаси каби рус ҳукуматига тобе эди. Унинг даврида хонликда бир қанча қўзғолон бўлиб ўтди. Хон бу қўзғолонларни руслар ёрдамида бостириди. 1918 йил 1 октябрда туркман Қурбон Муҳаммад Сардор (Жунаидхон)нинг буйруғи билан Исфандиёрхон ўлдирилди. Ҳокимиятни Жунаидхон ўз қўлига олди. Аммо, у Хива тахтига ўтира олмас эди. Шу боис ҳам Исфандиёрхоннинг укаси Сайд Абдуллахон (1918-1920 й.) номигагина хон қилиб кўтарилиди. 1920 йил 2 февралда Хивага кириб келган қизил армия

қўшинлари Жунаидхон лашкарларини тор-мор этиб, ҳокимиятни советларга топшириди.

Россия империясининг ҳукмронлиги 1917 йилда барҳам топгач, 1918 йилдан Хива хонлиги большевиклар ҳокимиятига бўйсундирилди, 1920 йилда эса Хоразмда Халқ Совет Республикаси ташкил этилди ва 1924 йилгача мавжуд бўлди.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, XIX – XX аср бошларида яшаган замонасининг кўзга кўринган тарихчилари Мунис, Огаҳий ва Баёний томонидан ижод этилган тарихий асарлар Ўрта Осиё, айниқса Хива хонлиги тарихини ўрганишда асосий манбалар бўлиб хизмат қилган. Ушбу асарларда Хива хонлигига ер-сув эгалиги, мулкчилик, солиқ тизими, қурилиш ишлари, савдо ва дипломатик муносабатлар, бошқарув тизимида амалда мавжуд бўлган мансаблар, тоифа ва уруғлар, зиёлилар тўғрисида қимматли маълумотлар кенг баён этилган. Бу каби маълумотлар бугунги кунда давлатчилик муносабатларини кенг соҳаларда ислоҳ қилишга ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

## REFERENCES

1. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркистана. –Л., 1927. – С. 113
2. Мұхаммад Юсуф Баёний. Шажараи хоразмшохий. Тошкент, мерос. 199
3. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2012. 344-345-66.
4. Сагдуллаев А. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент, Маънавият, 2000. 241-б.
5. АБДУЛҲАЙ, Г. ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА ЯНГИ ДАВЛАТ ХУСУСИДАГИ МУНОЗАРАЛАР (1918-1924 ЙИЛЛАР). INFOLIB: ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Общество с ограниченной ответственностью с участием иностранного капитала" E-LINE PRESS", (1), 56-60.
6. Urazalievna, A. G., & Fotima, X. (2024). TURKISTON QO’RBOSHILAR HARAKATI VA ULARNING FAOLIYATI. TA’LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMYJ JURNALI, 4(1), 5-10.
- 6.Urazalievna, A. G., & Aziza, P. (2024). FARG’ONA VODIYSIDAGI ISTIQLOLCHILIK HARAKATLARI VA UNING TARIXIY AHAMIYATI. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMYJ JURNALI, 4(1), 12-15.
7. Абдулхай, Г. У. (2020). ТУРКИСТОН АССР: ҚАНДАЙ ДАВЛАТ БЎЛИШИ КЕРАК ЭДИ?. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 3(1).
8. Ochilov, I. (2023). TARIX DARSLARIDA TAFAKKUR, KO’NIKMA VA MALAKALARINI HOSIL QILISHDA PEDAGOGIK

TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI. *Наука и технология в современном мире*, 2(16), 43-46

9. Ochilov, I. (2022). XALQARO TURIZM TARIXI VA RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOS GEOGRAFIK JIHATLARI. *Science and innovation*, 1(C6), 228-231.
10. Ochilov, I. (2022). SPECIFIC GEOGRAPHICAL ASPECTS OF THE HISTORY AND DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL TOURISM. *Science and Innovation*, 1(6), 228-231.
11. Omongaldi o'g'li, O. I. (2023). QADIMGI DAVRLARDAGI KO'CHMANCHI SAK, MASSAGET QABILALARI HAQIDA MUSHOHADALAR. *IQRO*, 2(2), 597-600.
12. Iskandar, O. (2022). XIVA TARIXI VA RIVOJLANISHIDA TURIZMNING AHAMIYATI. *PEDAGOG*, 5(6), 327-329.
13. Iskandar, O. (2023). The Organization of the Khorazm Soviet Republic. *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal*, 2(4), 794-798.
14. Ochilov, I. (2023). IMPORTANCE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN FORMING THINKING AND SKILLS IN HISTORY LESSONS. *Science and innovation*, 2(B4), 481-484.
15. Omongaldi o'g'li, O. I. (2022). QADIMGI XORAZM SIRLI QAL'ALARI. *PEDAGOGS jurnali*, 10(4), 182-185.
16. Omongaldi o'g'li, O. I. (2023). O'RTA OSIYODA TARIXIY BILIMLARNING TARAQQIYOTI. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(3), 9-15.